

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

132 Мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулот турлари рўйхатига қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш тўғрисида

«Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 25-моддасига мувофиқ, шунингдек ёнғин-техник маҳсулотлари сифатини назорат қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 7-сон, 63-модда) билан тасдиқланган Мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулот турлари рўйхатига иловага мувофиқ қўшимчалар ва ўзгартириш киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Хўжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 27 апрель,
77-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2010 йил 27 апрелдаги 77-сон қарорига
ИЛОВА

Мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулот турлари рўйхатига киритилаётган қўшимчалар ва ўзгартириш

1. 24-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 24-1-позиция қўшилсин:		
24-1.	Ёнғин ўчириш қурувлари (натрий бикарбонати таркибидаги)	2836 30 000 0

2. 28-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 28-1-позиция қўшилсин:		
28-1.	Бўёқ ва локлар (фақат ёнғиндан ҳимояловчи)	3209 90 000 0

3. 32-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 32-1-позиция қўшилсин:

32-1.	Ёнғин ўчиргичлар учун таркиблар ва зарядлар	3813 00 000 0
-------	---	---------------

4. 36-1-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 36-2-позиция қўшилсин:

36-2.	Ёнғин ўчирувчиларнинг табиий чармдан тайёрланган қутқарув белбоғлари	4203 30 000 0
-------	--	---------------

5. 42-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 42-1-позиция қўшилсин:

42-1.	Арқонлар (фақат ёнғин ўчирувчиларни эҳтиёт қилиш учун ишлатиладиган)	5607 49 190 0 — 5607 90 900 0
-------	--	----------------------------------

6. 43-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 43-1-позиция қўшилсин:

43-1.	Ёнғин ўчириш энгликлари	5909 00 100 0, 5909 00 900 0
-------	-------------------------	---------------------------------

7. 44-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 44-1-позиция қўшилсин:

44-1.	Ёнғин ўчирувчилар учун профессионал кийим-бош комплектлари	6203 22 100 0, 6203 23 100 0
-------	--	---------------------------------

8. 46-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 46-1-позиция қўшилсин:

46-1.	Ёнғин ўчирувчиларнинг тўқимачилик материалдан қутқарув белбоғлари	6307 20 000 0
-------	---	---------------

9. 47-1-позиция қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

47-1.	Ёнғин ўчирувчиларнинг каска ва шлемлари Спорт учун мўлжалланган бош кийимлари	6506 10 6506 10 800 0*, 6506 91 000 0*
-------	--	--

10. 51-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 51-1-позиция қўшилсин:

51-1.	Ёнғин ўчирувчилар карабинлари	7326 90 910 0, 7326 90 930 0, 7326 90 980 9
-------	-------------------------------	---

11. 52-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 52-1-позиция қўшилсин:

52-1.	Ёнғин ўчириш асбоб-ускуналари учун улагичлар	7609 00 000 0
-------	--	---------------